**Азиз аждодларимиз абадияти**

# ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ

## МУҲАББАТ ШАБАДАЛАРИ

Жомий ва Навоий ҳазратлари ўзларининг бузруквор пир ва муршидлари Ҳазрати Хожа Аҳрор Валий тўғрисида бирталай қимматбаҳо назмий, насрий ва илмий-тасаввуфий асарлар ёзиб қолдирганлар.

XV асрда, айниқса унинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросон юртларида тенги йўқ бир улуғ зотни Абдураҳмон Жомий юксак қадрлаб «Туркистондаги Каъбам, Каъбаи мақсудим» деса, Алишер Навоий эса «Пири Офоқ» (Бутун дунё пири), деб бағоят юксак эъзозлаганлар.

Мақоламизнинг ушбу қисмида Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» ва Алишер Навоийнинг «Насойимул-муҳаббат» асарларидаги Хожа Аҳрор Валий тўғрисида баён этилганлар борасида баҳоли қудрат фикр юритмоқчимиз. Мавлоно Жомийнинг Н.Ломеъий томонидан усмонли туркчага ўгирилган «Нафаҳот ул-унс» асарида ўқиймиз: «Мавлоно Жомий ҳазратлари бу китобни ёзганлари айёмида Хожа Убайдуллоҳ ҳазратлари ҳаётда эдилар».

Алишер Навоийнинг «Насойимул-муҳаббат» асарида ўқийсиз: «Ҳазрат Махдуми «Нафаҳот ул-унс»ни битганларида замон машойиху акобирдинки ҳаёт қайдида эрдилар. Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳдин ўзга киши ул табаррук китобда зикр қилмадилар».

Демак, ҳам «Нафоҳат»да, ҳам «Насойим»да ёзилганидек, Ҳазрат Жомий ўзларининг муборак асарларида Хожа Убайдуллоҳ Аҳрордан бошқа ҳали тирик, ҳаёт қайдида ҳеч бир йирик машойих тўғрисида ёзмаган эканлар. Бу ҳам Хожа Аҳрор Валийнинг ўшал замонда бағоят бузруклиги ва Жомийнинг ўз «Каъбаи мақсуди»га улкан ҳурмат ва эҳтиромидан дарак беради.

Ҳазрат Навоий «Насойим»да устози Жомийнинг фикрларини таржима қилиб давом эттиради-да, Хожи Аҳрор Валийни улуғлаб алар зикру маноқибида айтилганнинг таржимаси будурким, оёт мазҳари ва каромат валоёт мажмаи Хожалар табақасиға илтиём работиси ва интизом силсилати ул шариф қавмға қ.т.а. Ҳазрат Хожа ва аларнинг мухлислари ва ниёзмандларидур. Умид улдирким, аларнинг шариф вужудлари барокатидин бу шариф силсиланинг илтиём ва интизоми ила явмил қиём имтидод топғай».

Демак, аввало Жомий, сўнгра Навоий катта умид, зўр ишонч билан Нақшбандия (умуман, Хожагон) силсиласи то қиёмат кунигача давом этажак! Бу ҳам Жомий ва Навоийнинг ўз бузруквор пир-муршидлари бўлмиш Ҳазрат Хожа Аҳрор Валийга бўлган ҳурмат-эҳтироми, унинг «муборак вужудлари шарофати билан Нақшбандия (Хожагон) шариф силсиласи аъзоларига ишончи ва эътимодидир».

Ҳазрат Навоий «Насойим»да устоз Жомийнинг Хожа Аҳрор Валий ҳақида битилган сўзларини бағоят дақиқ ва бийик деб, ўзига хос ўта камтарлик ва ҳоксорлик била ёзади: «Ҳазрат Махдумий ким алар васфида бу навъ нуқта сурубдурлар, аларнинг марофидин баъзи сўз келтирибдурлар. Чун сўз бағоят дақиқу бийик эрди ва бу бебизоатнинг фаҳми ва идроки андин қосир. Аларнинг баъзи ҳолатини, бу ҳақирға мавҳум ва яқин эрди анга шруъ қилидди. Аларнинг мавлиди Тошканддур ва оталари дарвиш киши эрмиш ва она тарафидин ҳамонки, Шайхи Таҳурки, ул вилоятда мутааййин шайх эрмиш...» Ҳазрати Жомийнинг «Нафаҳот» асарида бу борада ўқиймиз: «Хожанинг мавлиди вилояти Шошдан шаҳри Тошканддур...» Жомий ўз асарида бузрук Хожанинг асл насаблари борасида маълумот бериб ёзади: «Насаби шарифлари Ҳазрати Амир-ул мўъминин Умар бин ал-Хаттаб эришур... Хожа Муҳаммад Қосим дейдиларки, Ҳазрат Хожа таҳсил тариқати Мавлоно Яъқуби Чархий хизматида олмишлардур ва сабоқ талқини онлардан олмушлар. Кондилардан (ўзларидан) манқулдурки, ойтдилар, йигирма ёшимда экан. Тошкандда банга (манга) таҳсили илми зоҳири орзуси ғалаба этуб, Самарқанд кетдим ва ул замонда Самарқандда Улуғбек мадрасасинда Мавлоно Низомуддин Хомуш мударрис эди ва анинг аҳволини, истиғроқи ва жазбасини эшитмиш эдим, пас мавлоноя тафтиш этдим, мадрасая кетмиш бўлдим. Мадрасая боруб кўрдим, дарс таълим этар. Бон дахи бир гўшада мустамеъ ўлуб, сокин ва сомий ўтурдум». Ҳазрати Жомийнинг юқоридаги сўзларидан маълум бўлмоқдаким, Хожамизнинг асл насаблари Амир-ул-мўъминин Умар-ал-Хаттобга бориб пайваст бўлар экан. Йигирма ёшларида Тошкентда илми зоҳир таҳсили орзуси қўзғалиб Самарқандга борганлар. Ўша даврда Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида мударрислик қилаётган Мавлоно Низомуддин Хомуш ҳузурларида улардан дарс оладилар. Сўнгра «Нафаҳот»да ёзилишича, Хожамиз бир куни Мавлоно Хомушга маркаб (от-улов) бериб, уларни Тошкентга бошлаб келганлар. Ўз ҳовлиларида Мавлоно Низомуддин Хомушни меҳмон қилиб, абдаста тутиб, бирга намоз ўқиб, хизматларини сидқидилдан қилиб, самимий меҳмон қилганлар.

Ҳазрат Жомийнинг «Нафаҳот» асарида Самарқанд шаҳзодалари ҳаётидан бир қизиқ воқеа ҳикоя қилинади. Подшоҳ Султон Аҳмад устига кичик қариндоши Султон Маҳмуд юриш қилмоқчи бўлади. Хожа Аҳрор Султон Маҳмудга мактуб ёзиб бундай бемаза ва нотўғри ишни қилмаслигини айтади, икки орада Самарқанд аҳолиси ва Туркистон халқининг бегуноҳ қонлари тўкилиши мумкинлиги уқтирилади. Хожанинг мактуби ҳам кор қилмай, Султон Маҳмуд акасининг устига юриш қилади, икки томон лашкарларидан бир неча минг одамлар ҳалок бўладилар. Пировард натижада Султон Маҳмуд енгилади. Хожамизнинг ҳақлиги исботланади. Уруш тугатилиб Ҳазрати Эшонимиз воситачилигида темурийзодалар ўртасида сулҳ ўрнатилади. Туркистон тарихида Хожа Аҳрор Валий бундай тинчликсевар, хайрли ва савобли амални Тошкент вилоятида ҳам бажарганлигини биламиз.

«Нафаҳот»да Хожа Аҳрор Валий, яъни Хожа Убайдуллоҳи Самарқандийнинг катта (биринчи) ўғли Муҳаммад бин Абдуллоҳ, иккинчи ўғли Хожа Муҳаммад Яҳёлар тўғрисида қисқа-қисқа маълумотлар берилади, шу ерда яна Хожа Убайдуллоҳнинг икки қизи ҳам бўлганлиги айтилади, лекин қизларининг номлари берилмайди. Сўнгра Хожа Убайдуллоҳнинг Мавлоно Ўтрорий, Мавлоно Бадахший ва бошқа шогирдлари ҳамда асҳоблари борлиги ҳақида ҳам ёзилади. «Мавлоно Ўтрорий каби соҳиби ҳикмат кишини мен ҳали кўрмаганман», дея Хожа Аҳрор Валий ўз шогирдларидан бирига (Ўтрорийга) юксак баҳо берган экан.

Ҳазрати Навоийнинг «Насойим» асарида Хожа Аҳрор Валийнинг йигитлик чоғларида қандай улуғ машойихлар билан ҳамсуҳбат бўлганлари тўғрисида айрим маълумотлар билан танишамиз: «Йигит бўлғондан сўнграким, саёҳатға қадам қўйубдурлар. Кўп машойих ва авлиё хизматиға етиб, суҳбатлариға мушарраф бўлибдурлар. Хуросон машойихидин Ҳазрати Мирсайд Қосим Анвар хизматлариға етибдурлар ва Шайх Баҳовуддин Умар мулозиматиға мушарраф бўлибтурлар ва Шайх Зайнуддин Ҳавофий суҳбатиға етибдурлар ва Мавлоно Асад ва Мавлоно Саъдуддин Қошғарий била суҳбат тутубдурлар ва Мовароуннаҳр машойихидин Хожа Муҳаммад Порсо мулозиматиға етибтурлар ва Мавлоно Низомуддин Хомуш била суҳбат тутибдурлар. Мавлоно Яъқуб Чархийдин иршодлар ва тарбиятлар топибдурлар ва сўнгралар Ҳазрати Хожаға анча мукнот даст бердики, маълум эмаски, мушойихдин ҳеч кимга ул даст берибдурлар ё йўқ».

Демак, Ҳазрати Хожамиз Мовароуннаҳр ва Хуросондаги юқорида шариф номлари зикр этилган йирик машойих ва авлиёлар билан турли йилларда мулоқот қилган, ҳамсуҳбат бўлган ҳамда таълим ва тарбиялар олган. Сўнгра Алишер Навоий ўз асарида Хожа Аҳрор Валийнинг бутун Машриқ заминдаги мусулмон мулкида ҳукмрон подшоҳлар, султонлар орасида машҳур ва манзур бўлганлигини ёзиб қолдирган: «Мовароуннаҳр салотини ўзларни аларнинг муршидзодалари ва маҳкуми ҳукми тутарлар эрди. Йўққи, ёлғуз Мовароуннаҳр салотини, балки Хуросон ва Ироқ ва Озарбайжон, ҳаттоки, бир соридин Рум ва Мисрғача ва бир соридин Хитой ва Ҳиндғача барча мулук ва салотин ўзларин Хожанинг маҳкуми ҳукми ва маъмури фармони тутарлар эрди ва руқъалари бу салотинға анча муоссир эрдиким, аларнинг аҳками ўз худдомиға бўлмағай ва Ҳазрат Хожага зоҳир жамъияти барча абнок замондин кўпроқ воқеъ эрди... ва бу ҳақир била илтифотлари кўп бор учун воҳйи осор руқъалари била мушарраф қилиб, ишларга маъмур қилурлар эрди».

Ҳазрати Навоий Хожа Аҳрор Валийга бағоят яқин бўлганликлари учун уларнинг руқъалари (мактублари)ни тўплаб, мажаллад қилиб, алоҳида чуқур ва самимий эҳтиром билан асраганлигини ҳам ёзади: «Ул руқъаларни мураққаъ ясаб, мужаллад қилиб, жадвал ва такаллуфот била табаррук йўсуни била асрабмен. Умидим улки, аларнинг баракотидин бу ишнинг завқи ва талаби насиб бўлғай».

Тарихчилар ҳисоб-китобларига қараганда, ўша даврда Шом (Сурия)дан то Ҳиндистонгача ёйилиб ётган улкан ва бепоён мусулмон юртларининг умумий сони тахминан 25 дан ортиқ бўлган. 30 га яқин мамлакатларнинг султон ва подшоҳлари орасида Хожамиз забардаст пир ва муршид сиймо сифатида бағоят улкан обрў ва эътиборга эга бўлган. Барча ҳукмдорлар ва султонлар Хожамизнинг руқъалари (мактублари)ни кўзларига ва юзларига суртиб ўқиганлар, ўша мактублардаги фармонларни интиқиб кутганлар, бажарганлар ва сидқидилдан амалга оширганлар. Айтиш мумкинки, Туркистондан чиққан улуғ саркарда Соҳибқирон Амир Темур мана шу улкан мусулмон юртлардан иборат салтанатни бунёд этган бўлсалар, иккинчи бир улкан сиймо Хожа Аҳрор Валий ўшал бепоён мусулмон минтақасини ўзининг маънавий қудрати билан (ақл-заковат, илми, диний-мазҳабий идроки, тасаввуфий-ирфоний қудрати, маънавий илми, иқтидори билан) бирлаштирган ҳукми фармонида тутуб турган. Демак, бузруквор Хожамиз улкан минтақани 30-40 йилча тинч-омон ва осойишта ҳолда сақлаб тура олган. Шомдан то Ҳиндгача ястаниб ётган ҳудудда миллион-миллион аҳоли осойишта ҳаёт кечирган.

Энди ўзларини Хожамизга бағоят яқин тутиб, уларнинг руқъалари (мактублари)ни авайлаб тўплаб, мужаллад қилиб (жилдга солиб) асраб юрган улуғ ва донишманд шогирд Алишер Навоийнинг фаолияти туфайли XV асрнинг иккинчи ярмида яратилган Хожамизнинг руқъаларига келсак, ушбу мактублар бизнинг кунларимизгача, бахтимизга авайлаб сақланиб келган. Ўша мактубларнинг бир нусхаси ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзма асарлар хазинасида сақланиб қолган. Тарих фанлари доктори Асомиддин Ўринбоев сўнгги йилларда уларни тўплаб, алоҳида «Альбом» шаклида аввало Тошкентда нашр қилдирди, кейинроқ мазкур «Альбом» Тожикистонда, Эронда ва АҚШда қайта чоп эттирилди.

Оддий мусулмон кишиларни золим ва мустабидлар шарридан (зулмидан) қутқариш фикри, Хожагон (Нақшбандия) тариқатидаги асосий ғоя ва мазмун ўшал мактубларнинг ўзагини ва меҳварини ташкил қилади, деб бемалол айтсак бўлади.

Бундай халқпарварлик ғоясини, биз биламизки, биринчи марта Хожагон тариқатининг асосчиси, Бухорои Шарифнинг биринчи бузрукворлари, машойихи Ҳазрати Хожаи Жаҳон (Ғиждувоний) мана бу шаклда илк марта ифода этган: «Халқ оғирлигини енгиллатмоқ керак, бунинг иложи бўлмаса, ҳалол касб-ҳунар эгаллаб, «даст ба-кору, дил ба-ёр» ҳолатида бўлмоқлик амри муқаррар турур» (Рашоҳот, 23-рашҳа).

Биз Хожа Аҳрор Валий сиймосининг фақат баъзи қирраларига тўхталдик халос. Таваллуд кунига 600 йил тўлган бу улуғ зот ҳақида келгусида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилишига ишонамиз. Зеро, Хожа Аҳрор Валийнинг қилган эзгу ишлари ва таълимоти абадиятга дахлдордир.

**Ботирхон ВАЛИХЎЖАЕВ,**
**академик,**
**Барот БОЙҚОБИЛОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири,**
**Ориф УСМОН,**
**филология фанлари доктори, профессор,**
**Зокиржон ҚУТИБОЕВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор**

(Давоми. Боши газетамизнинг 6-10 апрель сонларида)

---

## ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

### ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

**ХДП Хонқа, Янгиариқ туман кенгашлари**нинг партия МК VII пленуми якунлари ва бошланғич партия ташкилотларининг долзарб вазифаларига бағишланган пленумлари бўлиб ўтди. Мамлакатимизда сайловлар ўтадиган бу йилда партия ташкилотлари олдидаги қатор масалалар пленумлар иштирокчилари томонидан муҳокама қилинди ва тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Янгиариқ туман партия кенгаши пленумида ташкилий масала кўрилиб, Фарҳод Вафоев партия кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

**Хива туман партия кенгаши** бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг семинарини ўтказди. Унда Ўзбекистон ХДП Устави (янги таҳрири) лойиҳаси муҳокамаси, сайловлар муносабати билан партия ташкилотларининг асосий вазифалари ҳақида ХДП туман кенгаши биринчи котиби А.Бобожонов, партия ташкилотларининг маданий-маърифий тадбирларда иштирокини кучайтириш, ҳисобот-сайловлар мавсумида бажариладиган асосий ишлар тўғрисида партия кенгаши котиби М.Ниёзов маъруза қилдилар. Семинарда иштирок этган БПТ котиблари ўзаро фикр алмашдилар.

**Партия Сергели туман кенгаши** сайловларга тайёргарликни кучайтириш мақсадида «Ўзбекистон ҳаво йўллари»га қарашли ДУК «КЕТРИНГ» корхонасидаги бошланғич партия ташкилотида сайлов тўғрисидаги қонунларни ўрганишни ташкил қилди. Тадбирда Тошкент молия институтининг ҳуқуқ кафедраси ходими М.Маҳкамов иштирок этиб, қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб берди. Шундай тадбирлар «Рангли металлни қайта ишлаш» акционерлик жамияти ва «Мебель» ИЧ корхонасида ҳам ўтказилди.

**Қоровулбозор туман партия кенгаши** ташаббуси билан ҳарбий қисмда йиғилиш бўлиб ўтди. Партия кенгаши биринчи котиби И.Нурмонов республикамизда амалга оширилаётганислоҳотлар, икки палатали парламент ва бўлажак сайловларнинг аҳамияти ҳақида аскарларга гапириб берди. Ҳарбий қисмнинг зобитлари сўзга чиқиб, тинчликни сақлаш мавзусида фикр алмашдилар.

## ХАЛҚ ИЧИГА КИРИБ БОРАЙЛИК

### Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши пленумида ана шу масалага урғу берилди

Маълумки, ҳар қандай сиёсий партиянинг нуфузи ва кучи унинг халқ билан нечоғлик ҳамнафаслиги, бирлиги, жипслигида намоён бўлади. Бу айниқса, парламент сайловларига тайёргарлик жараёнида яққол кўзга ташланади. Ўз сафларида ўттиз мингдан зиёд аъзони бирлаштирган Бухоро вилоят партия кенгаши пленумида дастурий вазифаларни бажариш, парламентда ўз вакилларига эга бўлиш учун қуйи бўғинларда ҳаракатлар бораётган бўлса-да, ҳали бу етарли эмаслиги таъкидланди. ЎзХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Жалолиддин Нуруллаевнинг «Вилоят партия кенгаши ижроия бюросининг ўтган давр мобайнидаги фаолияти ва партия ташкилотларининг ЎзХДП Марказий Кенгаши VII пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида»ги маърузасини тинглаб, муҳокама қилган пленум иштирокчилари шундай хулосага келдилар.

— Масалага жиддийроқ қарайдиган бўлсак, — дейди партиянинг Ромитан туман кенгаши биринчи котиби Шавкат Ёдгоров, — фаолиятимиз мақтанарли эмас. Аъзолар билан иш олиб бориш, бадалларни йиғиш осон кечмаяпти. Барибир, қўл қовуштириб ўтирмаймиз, сайловолди ишларни юқори поғонага кўтаришимиз лозим.

Пленумда сўзга чиққанлар партиявий ишда якдиллик, сафлар софлиги, котибнинг ибрат намунаси муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидладилар.

Пленумда ЎзХДП Марказий Кенгаши котиби Собир Усмонов сўзга чиқди.

**(Ўз мухбиримиз)**

---

**Солиқ ва маҳаллий бюджет**

# ТУШУМ ОРТСА, ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ҲАМ ОРТАДИ

## ВАҚТИДА ТЎЛАНГАН СОЛИҚ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИМИЗ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Қадимда солиқлар фақат давлат хазинасини бойитиш учунгина йиғилган. Боиси, мамлакат қудрати унинг мол-мулки билан ўлчанган. Ҳозир бошқача: солиқлар мақсадли йўналтирилади, бундан бюджет эмас, аҳоли манфаатдор бўлади. Вақтида тўпланган солиқлар иқтисодиёт таянчи бўлиб, у ҳаёт фаровонлиги учун сарфланади.**

**Беруний туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Холмирза БЕКЧАНОВ билан бўлган суҳбатимиз шу ҳақда борди.**



**— Солиқ йиғиш ДСИнинг ҳар бир ходимидан алоҳида масъулият ва муомала талаб қилиши табиий. Буни сизнинг-ча, қандай таърифласа бўлади?**

— Давлат даромадларининг истиқбол кўрсаткичларини манбалар асосида сифатли бажарилишини таъминлаш — барча солиқ йиғувчининг муҳим вазифаси. Бунинг учун ҳар бир ходим ишга ижодий ёндошиши, мавжуд барча имкониятлардан фойдаланиши, қўшимча чора-тадбирларни излаб топиши, боқимандаликка қарши муросасиз кураш олиб бориши, текширишлар сифатини оширилиши, солиқ тўловчи билан ишлаш услубини ўзгартириб бориши, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун кенг шарт-шароит яратиб беришда кўмаклашиши лозим. Биз ўз ходимларимиздан айни мана шу жиҳатларни талаб қиламиз. Туман ДСИ қошида «ҳуқуқий маслаҳатхона» очиб, унда фуқароларнинг солиққа оид сўровларига жавоб беришни ташкил этдик...

**— Ўтган йили ДСИ туман бюджетига қанча маблағ туширди?**

— Бу борада қатор ижобий натижаларга эришдигу, аммо йиллиқ солиқлар топшириғини тўла адо этолмадик. Бунга асосан корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб рақамларида етарли пул маблағлари бўлмаганлиги, қолаверса, қишлоқ хўжалик ташкилотларига тушган пул маблағлари мақсадли келиб, улар сарфланиб юборилганлиги сабаб, бўлди дейиш мумкин. Шу муносабат билан туман ҳокимиятида ўтказилган йиғилишда ДСИ рўйхатидан ўтган корхона ва ташкилотларнинг қарзларини ундириш, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга бўлган боқимандаларни бартараф қилиш тўғрисида таклифлар киритилди, топшириқлар берилди. Шундан сўнг солиқ ва бошқа тўловлар бўйича бюджетга 2.147.573 минг сўм туширишга эришдик...

**— Соҳага тааллуқли қонун ва қарорлар ижроси қандай бўлаяпти?**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджетининг маълумоти тўғрисида»ги қарорига мувофиқ солиқдаги ўзгаришларга бағишланган 3 та анжуман ўтказдик. Унда Қорақалпоғистон Республикаси давлат солиқ бошқармаси ходимлари ҳамда тумандаги корхона раҳбарлари, ҳисобчилар иштирок этди. Янгидан ташкил топаётган хусусий тадбиркорлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, хусусий ҳамда кичик корхоналар мутасаддиларига Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, ДСИга ҳисоботлар ва ҳисоб-китоблар тақдим қилиш муддатлари, қўлланилаётган имтиёзлар тўғрисида тушунчалар берилди.

Аниқроқ рақамлар тили билан айтганда, 2003 йил давомида 221 корхона ва ташкилотларда текширишлар ўтказилиб, шундан 179 ҳолатда солиқ қонунбузарлиги аниқланди. Натижада бюджет ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига, йўл қурилиши жамғармасига жами 28.415,2 минг сўмлик қўшимча солиқ ва мажбурий ажратмалар ҳисобланди. Бугунгача бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга 24.382,6 минг сўм, қўшимча солиқ ва ажратмаларга 53.494.4 минг сўм молиявий жарималар қўлланилди.

Йил давомида 18 та хўжалик юритувчи субъектларда «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг юритилиши ўрганилди. Инспекциямизнинг жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими томонидан 2003 йил 1 декабрь ҳолатига кўра 405 та якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар рўйхатдан ўтиб, улардан 46.614 минг сўм даромад солиғи ундирилди. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёнилғи-мойлаш материаллари сотилишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига кўра ташкил қилинган рейдларда ҳам 6 ҳолатда қоидабузарлик содир бўлганлиги маълум бўлди ва 1.295 литр бензин ёнилғиси давлат фойдасига мусодара этилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги 330-рақамли қарори бўйича жойларда ихтисослаштирилган деҳқон ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда чорва моллари бозорлари тартибга келтирилди. Айниқса озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи бозорларда санитария-гигиена талабларига жавоб берувчи савдо шахобчаларида амалга оширилган ишларимиз ижобий натижалар берди.

Мақсадимиз — бу ишларни Меҳр ва мурувват йилида ҳам изчил давом эттириб, иқтисодиётимиз ва ижтимоий ҳаётимиз ривожида асосий таянч бўлган солиқлар тўлови тизими фаолиятини янги-янги иш усуллари ҳамда услублари билан бойитиб бориш.

**Рустам ЎТАМУРОДОВ суҳбатлашди**

---



# «БИОТРОН»ГА ЗАРУРАТ БЎЛСА

## НАМАНГАНГА КЕЛИНГ

Сув билан боғлиқ муаммолар бугунги кунда глобал масалага айланди. Бу борадаги қийинчиликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан унинг амалий ижросини таъмин этувчи қатор ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Наманган шаҳридаги «Ўзсинектанасосмаш» Ўзбекистон — Чехия қўшма корхонаси қишлоқ ва сув хўжалигига, кимё, энергетика ва коммунал хўжаликларига зарур бўлган насослар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Қўшма корхонада тайёрланаётган насослар корпусининг асосий қисмлари, ишчи ғилдираклари юқори сифатли русумдаги чўяндан, вал, втулка ва бошқа қисмлари эса зангламас пўлатдан қуйилади. Насосларнинг конструктив яратилиш афзаллиги электр-энергияни 10 фоизгача тежайди. Натижада насос таннархи қисқа муддатда қопланади.

Шунингдек, қўшма корхона насосларнинг узлуксиз ишлаши учун 2 йилга кафолот беради ва келишилган ҳолда эҳтиёт қисмлар билан таъминлаб, доимий сервис хизмати кўрсатади.

Корхонада тайёрланаётган қишлоқ ва сув хўжалигига зарур бўлган QVC туридаги (соатига 54 кубометрдан 1800 кубометргача ва 10 метрдан 150 метр баландликкача сув ҳайдайди) ва QVD туридаги (соатига 54 кубометрдан 10800 кубометргача ва 10 метрдан 130 метр баландликкача сув ҳайдайди) сув насослари Россиядан келтирилаётган насослардан фарқ қилмайди, ҳатто айрим жиҳатлари афзалроқдир.

Ўтган йили аввалги йилга нисбатан ишлаб чиқаришда 2,8 баравар ўсишга эришган корхона жорий йилдан ўсиш суръатини янада оширмоқда. «Биотрон» деб аталган қурилма ишлаб чиқарилаётгани корхонага шуҳрат келтирди. Чиқинди сувни қайта ишлаб, фойдаланишга яроқли қилиб берадиган «Биотрон»нинг афзаллиги – марказий канализация ўтмаган ҳудудларда — коллеж, мактаб, дам олиш маскани, ётоқхона ва касалхоналарда сув билан боғлиқ муаммоларни тез ва осон бартараф этади. Ҳозиргача вилоят туманларидаги коллежларга 9 та ана шундай ихчам тозалаш қурилмаси ўрнатилиб, фойдаланилмоқда. Уни ўрнатиш канализация йўллари қуришдан кўра осон ва камхарж. «Биотрон»нинг аҳамиятли яна бир жиҳати табиатни муҳофаза қилиш, экологик муҳитни меъёрлаштириш вазифасини ҳам ўтайди.

Яқин 50 нафар малакали ишчи қўним топган қўшма корхона айни пайтда Наманган «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик ҳудудий бирлашмаси буюртмаси билан капалак сақловчи уялар ясашни ҳам йўлга қўйди.

Валюта маблағларини тежаш, хорижий технологияларни тўла қўллаш қўшимча иш жойлари яратиш йўлида изланиб, ишлаб чиқариш маданиятини ошириб бораётган корхона истиқболи ишончли.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

**Суратда:** мутахассислар тайёр насосни кўздан кечиришмоқда.

**Яна балиқчилик ҳақида**

# ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ: ИМКОНИЯТ МИНГТА... УНДАН ФОЙДАЛАНИШ-ЧИ?



**Газетамизнинг шу йил 4 март сонида эълон қилинган «Балиқчилик: тармоқ монополиядан чиқди, хусусийлаштирилди...» сарлавҳали мақолада соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида қатор саволлар устида мулоҳаза юритилганди. Шунингдек, газетамизнинг келгуси сонларидан бирида балиқчилик соҳаси раҳбарлари ва мутахассисларининг фикрларини ҳам эълон қилишни режалаштиргандик.**

**Таҳририятимизга дастлаб Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги республика балиқчиликни ривожлантириш илмий тадқиқот маркази мутасаддилари ташриф буюришди.**

**Бугун Марказ раҳбарининг ўринбосари, иқтисод фанлари доктори Абдулбоқи ҒАФФОРОВ билан бўлган суҳбатни диққатингизга ҳавола қилаяпмиз.**

**— Аввало, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августдаги «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг амалга оширилган асосий ишлар ҳақида тўхталсангиз.**

— Ҳукумат қароридан сўнг Марказда дарҳол кенг қамровли тадбирлар ишлаб чиқдик. Кўп ўтмай тармоқда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида **«Республикада 2004-2006 йилларда балиқчилик тармоғи ва унинг озуқа базасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар Дастури»** лойиҳаси тайёрланди. Унда Вазирлар Маҳкамаси қарорида белгиланган барча вазифалар қамраб олинди.

Қарорга кўра илгариги «Ўзбалиқ» акциядорлик компанияси тугатилди ва вазирлигимизнинг 2003 йил 18 августдаги 139-сонли буйруғи билан «Аквакультура» илмий-тадқиқот институти ва «Иҳтиомарказ» корхонасини бирлаштириш ҳисобига Ўзбекистон балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди. Ҳудудий давлат балиқ питомниги марказимизга шўъба корхона сифатида берилди. Унинг Низоми ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик илмий ишлаб чиқариш марказининг 2003 йил 5 сентябрдаги 32-сонли буйруғи билан тасдиқланди. 2003 йил 30 сентябрда эса Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимиятида рўйхатга олинди.

**— Низомда қандай асосий вазифалар белгиланган?**

— Бирма-бир айтадиган бўлсак:

— балиқчилик тармоғи ва унинг озуқа базасини ривожлантириш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

— балиқчиликда селекция-наслчилик ишлари, балиқчилик хўжалиги мелиорацияси, балиқлар касалликларини олдини олиш ва даволаш тадбирларини ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари ўтказиш, насл қолдирувчи балиқларнинг зот сифатларини яхшилаш ва уларнинг янги турларини республика иқлимига мослаштиришга доир илмий асосланган чора-тадбирларни амалга ошириш;

— балиқ овлаш ва балиқчилик хўжаликларини сифатли селекция-наслчилик материаллари билан таъминлаш;

— балиқчилик соҳасини ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини шакллантиришга кўмаклашиш;

— Ўзбекистон Республикасининг **«Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаш»** Қонунига биноан балиқ маҳсулотларини сертификатлаш ишларини амалга ошириш;

— балиқчилик тармоғи учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

— Марказ қошида «Балиқчиликни ривожлантириш фонди» фаолиятини йўлга қўйиш;

— фан ютуқлари ва илғор тажрибани балиқчиликда жорий этиш ишларига илмий-амалий ёрдам кўрсатиш. Инновация дастурларни амалга ошириш ва ҳоказо.

Шундан сўнг Низомга кўра ходимлар жадвали тузилди, малакали мутахассислар ишга қабул қилинди. 2004-2005 йиллар илмий-тадқиқот ишлари режаси ишлаб чиқилди. Ҳозир ана шу режа асосида иш юритаяпмиз.

**— Марказ ҳузурида «Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси» ташкил этилди дедингиз, унинг вазифаси нимадан иборат?**

— Жамғармага балиқчиликда илмий-тадқиқот ва селекция-наслчилик ишларни молиялаштириш вазифаси юклатилди. Унинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилиб, 2003 йил 20 октябрда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланди. Банкда алоҳида махсус ҳисоб рақами очилди. Унинг юқори бошқарув органи — Жамғарма Кенгаши ташкил топди. Таркибига — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази вакиллари, етакчи олимлар ва илғор балиқчилар киритилди. 2003-2004 йиллар учун харажатлар сметаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилди. У илмий-ишлаб чиқариш маркази томонидан тасдиқланди.

Жорий йилнинг 11 март ҳолатига кўра Давлат мулк қўмитасида 21 та акциядорлик жамиятларидан 8 тасининг давлат улуши акциялари сотилиб, улардан тушган маблағлар жамғарма ҳисоб рақамига туширилди.

**— Вазирлар Маҳкамаси Қарорида табиий сув ҳавзаларини танлов асосида ижарага бериш ҳақида ҳам гап борган...**

— Молия вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг табиий сув ҳавзаларини ижарага бериш ҳамда ижара ҳақини ҳисоблаш Низоми ишлаб чиқилди. У 2003 йил 20 декабрида Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб жойларга юборилган. 2004 йил 11 март ҳолатига Жиззах, Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари ҳузурида тузилган тендер комиссиялари томонидан илмий-тадқиқот маркази ходимлари иштирокида табиий сув ҳавзаларини ижарага бериш борасида биринчи йиғилишлар ўтказилди. Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида табиий сув ҳавзаларини танлов асосида ижарага бериш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

**— Марказда илмий-тадқиқот ишлари қай аҳволда?**

— Балиқчиликни ривожлантиришнинг илмий асосларини яратиш устувор вазифамиз бўлганлиги учун бу йўлда Илмий кенгаш ва Танлов комиссияси ташкил этилиб, тармоқ ривожининг 2004-2005 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасини белгилаш ва мавзуларни аниқлаш ҳамда инвестиция дастурини шакллантириш мақсадида ўтган йилнинг охирроғида матбуотда амалий тадқиқотлар лойиҳалари танловини эълон қилдик. Тақдим этилган 12 та мавзу танлов комиссиясида муҳокама қилиниб, 6 таси танлаб олинди ва жамғарма томонидан етарли миқдорда маблағ ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бундан ташқари «PL-480», «Section-416(в)», «Продовольствие ради прогресса» халқаро ҳамкорлик дастурларига ҳам 7 илмий лойиҳалар тайёрладик.

**— Абдулбоқи ака, гапнинг дангалини айтганда, балиқчиликнинг ривожи унинг чавақчаларини кўпроқ етиштириш билан боғлиқ. Бунинг учун бизда питомниклар ва сунъий урчитиш инкубатор аппаратлари қуввати етарлими? Мана, яқинда Исроилнинг МАШАВ агентлиги вакиллиги иштирокида бўлган халқаро семинарда бу борада гап борди деган маълумот олдик. Бизда бу ишлар қандай?**

— Ҳа, вазирлигимизда 17 март куни бўлиб ўтган халқаро семинар-тренингда Исроилнинг МАШАВ агентлиги иштирокида балиқчилик ва аквакультуранинг дунё миқёсида тутган ўрни, тармоқ ривожи ҳамда истиқболлари ҳақида гап борди.

Балиқчиликнинг озуқа базасини ривожлантириш, наслчилик, сунъий урчитиш, питомниклар ва инкубаторлар қувватларидан фойдаланиш каби ишларда замонавий унумдор технологияларни кенг ўзлаштириш, балиқларнинг зот сифатларини яхшилаш ва уларни ҳудудий иқлимларга мослаштириш йўл-йўриқлари борасида маърузалар ўқилди.

Айниқса, балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини такомиллаштириш, балиқларда учрайдиган юқумли касалликларга қарши курашиш ва ривожланган мамлакатларда бу соҳаларда амалга оширилаётган ишлар ҳамда ечимини кутаётган муаммолар тўғрисида МАШАВ агентлиги вакили Исаак Бежеранонинг маърузаси биз учун ўзига хос тажриба мактаби бўлди. Ўз навбатида биз у билан бирга Тошкент вилоятидаги «Балиқчи» хўжалигида бўлганимизда меҳмон биздаги ибратли ишлардан ҳам ўрнак олса бўладиган жиҳатларни алоҳида таъкидлади.

Халқаро илмий ҳамкорлик доирасида Хитой Халқ Республикасинг Балиқчилик фанлари академияси билаң алоқа ўрнатилди. Қизил китобга киритилган ва йўқолиб бораётган «Туркистон мўйловдор» (Туркестанский усач) балиғи генофондини асраш ва сунъий урчитиш технологиясини яратиш борасида мунозаралар олиб борилмоқда.

Минтақавий давлат балиқ питомнигимизда мавжуд 29 та сунъий урчитиш инкубатор аппаратининг ишлаб чиқариш қуввати пастлиги сир эмас. Чавоқ тайёрлашда кўплаб чиқимларга йўл қўйилаётганлиги аниқ. Биз буларни ҳисобга олиб, келгусида балиқ чавақлари ишлаб чиқариш ҳажмини ва унумдорлигини ошириш мақсадида 10 дона янги конструкцияли инкубатор аппаратлари тайёрлаяпмиз. Мавжуд инкубация цехи ва 2 қаватли лаборатория биноси сўнгги 20 йилда бирор марта ҳам таъмирланмаган. Ҳозир уларда таъмирлаш ишларини бошладик. Лаборатория биносининг томини ва инкубация цехини таъмирлаш ишлари тугалланди. Инкубация цехини янги мавсумга тайёрлаш 20 апрелга мўлжалланган.

Питомникдаги мавжуд 58 та сунъий сув ҳавзалари балиқ чавақлари етказиш муддатларига қараб инвентаризация қилинди. Уларда балиқларни турига ва ҳажмига қараб жойлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Яна бир муҳим гап: минтақавий балиқ питомнигининг 258 гектар сунъий сув ҳавзаларидан 181 гектари қамишлар билан қопланиб, уларда балиқ маҳсулдорлиги пасайиб кетган. Шунинг учун ҳозирги кунда балиқлар касалликларини олдини олиш, санитария ҳолатини яхшилаш, сув ҳавзалари маҳсулдорлигини ошириш мақсадида, уларни тозалаш, реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда.

**— Тармоқ озуқа базасининг аҳволи қалай? Балиқларни самарали озиқлантиришнинг самарали технологиялари борми? Озиқлантириш меъёрлари ишлаб чиқилганми? Қолаверса, селекция-наслчилик ишлари ҳақида ҳам Хукумат қарорида алоҳида тўхталиб ўтилган...**

— Республикамизда балиқчиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, балиқ озуқаларини етиштириш, балиқ етиштириш ва озиқлантиришнинг жадал технологиялари борасида илгари илмий-тадқиқотлар ўтказилмаган. Мавжуд тавсиялар қўшни давлатлардан фақат Россия федерацияси шароитигагина мослаштирилган. Биз буларни ҳисобга олиб, балиқчиликда маҳаллий озуқалар ишлаб чиқаришни ва балиқларни ўз маҳсулотларимиз билан озиқлантириш асосида сузувчи тўрларда (садок) карп балиқлари етиштиришнинг жадаллаштирилган технологиясини синовдан ўтказишни мақсад қилдик. Бу борада ҳам илмий-тадқиқотлар режаси ишлаб чиқилди ва уни амалга оширишга киришдик. Мақсад — бугунги кунда энг истиқболли карп балиғини маҳаллий озуқалар билан озиқлантириб, уларни сузувчи тўрларда ва унча катта бўлмаган сув ҳавзаларида боқиб, кўплаб миқдордаги сув ресурсларини иқтисод қилиш. Бу лойиҳа ўзининг у қадар катта капитал маблағлар талаб этмаслиги билан алоҳида ажралиб туради. Боқиш технологияси ва озиқлантириш бўйича илмий-услубий тавсия ишлаб чиқилмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг замонавий жиҳозланган ва салоҳиятли мутахассисларга эга қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиқлантириш лабораторияси билан илмий ҳамкорлик ўрнатганмиз. Танлов асосида **«Балиқларни озиқлантиришнинг самарали технологиялари ва меъёрларини ишлаб чиқиш»** мавзусидаги лойиҳага буюртма бериб шартнома туздик.

Селекция-наслчилик ишлари ҳақида гапирадиган бўлсак, уларни ривожлантириш ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш йўлида селекция-наслчилик ишлари лабораторияси ташкил этилди. **«Балиқларнинг маҳсулдор турлари ва зотлари селекциясини такомиллаштириш»** мавзусида лойиҳа танловдан ўтказилди. Унга асосан: увулдириқ олиш даврини 2 ой олдинга суриш технологиясини ишлаб чиқиш, янги типдаги инкубация аппаратини яратиш, синовдан ўтказиш, жорий этиш, Америкадан келтирилган «канал» лаққа балиғини сунъий урчитиш технологиясини яратиш каби юмушлар режалаштирилди. Бугунги кунда бу ишлар бошланди ҳам.

**— Агар кўзингиз тушган бўлса, олдинги йиллари газетамизда Қорақалпоғистон республикаси, Сурхондарё, Навоий вилоятларидан ҳам балиқчилик тўғрисида материаллар бериб, уларда тармоқ хўжаликлари мелиорацияси, ихтиопатология бўлими хизматлари, ҳатто улар учун ихтисослашган кадрлар тайёрлаш масалаларида айрим танқидий фикрлар билдирганмиз. Бугунги кунда мазкур соҳаларда олиб борилаётган ишлар қай даражада?**

— Балиқчилик хўжаликлари мелиорацияси борасида, хусусан, юқорида тилга олинган Вазирлар Маҳкамаси Қароридан сўнг, сув ҳавзаларида балиқ ресурслари мониторинги ва мелиорацияси лабораторияси ташкил этилди. Жиззах, Навоий вилоятлари ҳудудидаги Ҳайдаркўл, Арнасой ва Тузкон кўллари тизимида 2 та биостанция ҳам вужудга келтириш режалаштирилган. Табиий сув ҳавзаларида балиқ турлари, озуқа базаси заҳиралари, балиқлантириш турлари ва меъёрлари, балиқларни табиий урчишига шароит яратиш мақсадида амалга оширилиши зарур бўлган мелиорация ишлари кўламини аниқлаш ва илмий асосланган тавсиялар, таклифлар ишлаб чиқиш — ушбу лабораториянинг вазифаси.

Шунингдек, Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, қўриқхоналарни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш мамлакат давлат нозирлиги республиканинг табиий сув ҳавзалари ва улардаги балиқ турлари экологиясини ўрганиш, кўпайтириш, балиқ ресурслари мониторингини ўтказиш ва улардан оқилона фойдаланиш, айни пайтда йўқолиб бораётган балиқ турлари генофондини сақлаб қолиш борасидаги муаммолар ечимини топиш ва ҳамкорлик қилишда бошқарма бошлиғи А.Григорьянц билан келишиб олинди.

Бундан ташқари Қорақалпоғистон Республикасида балиқчиликни ривожлантириш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш учун Марказнинг таянч пункти ташкил этиш мўлжалланмоқда. Уларга биз асосан ўз шароитини яхши билган маҳаллий олимларни жалб қилишни режалаштирганмиз.

Балиқчилик соҳасидаги кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш мақсадида илмий-тадқиқот маркази тузилмасига Ўқув маркази киритилди. 3 нафар фан номзодига ўқув дастурларини ишлаб чиқиш вазифаси юкланди. Ўқув ишларини ташкил этиш борасида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Миллий Университети ва Тошкент давлат аграр университети билан ҳамкорликда ишлаш мақсадида келишув ишлари олиб борилмоқда. Лекин, гапнинг сирасини айтганда, тармоққа ихтисослашган кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш ҳануз асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Тадқиқотчи магистр, бакалаврлар бор, ишга қабул қилганмиз. Магистрлик диссератцияси мавзулари ҳам белгиланган, бакалаврларни магистратурада ўқитиш режалаштирилган, бироқ, бу ишлар ҳали камлик қилади, кўпайтириш керак.

Газетада эълон қилинган мақолада қорақалпоғистонлик бир балиқчи йигит: **«Балиқ ови жиҳозлари етишмаяпти. Кема ва катерларимиз замонавий овга мослашмаган. Кўпи эски, янгилари йўқ...»** деган эътироз билдирган. Рост гап. Биз бу йўлдаям ҳозир анча-мунча ишларга қўл ураяпмиз. Чунки, соҳани техника, ов воситалари ва жиҳозлар билан таъминлаш жуда катта ишларни амалга оширишни талаб қилади. Менимча, бу борада уларга бўлган талабни қондириш учун ишлаб чиқаришни республикада ташкил этиш керак. Ҳозирча у фақат валютага боғлиқ бўлиб қолаяпти...

Бу масалага тадбиркорлар эътибор берсалар ёмон бўлмас эди.

**— Бугунги кунда мамлакатимизда балиқ етиштириш ҳажми таҳлилини аниқ рақамларда қиёслаб берсангиз...**

— Халқимиз қадимдан деҳқончилик ва чорвачилик қатори балиқчилик билан ҳам шуғулланиб келган. Бунга мамлакатимизнинг қулай табиий ва иқлим шароитлари ҳам катта имконият яратган. Балиқ гўшти инсон учун минг бир дардга даволиги ҳаммага аён. У — етти хазинанинг бири. Имконияти мингта... Афсуски, биз мавжуд сув имкониятларимизнинг қарийб тўқсон фоизидан фойдаланмаяпмиз.

Табиий сув ҳавзаларидан балиқ овлаш суръати республикамизда йил сайин камайиб бормоқда. Чунончи, 1999-2001 йиллар давомида балиқ овлаш ҳажми 18 фоизга камайди. Устига-устак овланаётган балиқлар сифати ҳам ўзгариб кетаяпти. Ҳайдаркўл-Арнасой сув ҳавзасидан 1997 йил овлаб олинган балиқларнинг 50 фоизини (сазан) юқори сифатли балиқлар ташкил этган бўлса, 2001 йилига келиб, 26,3 фоизга тушиб қолди.

Яна бир гап: йилдан йилга балиқчилик хўжаликларида ҳавзаларга ўтказилаётган ўтхўр балиқлар сифати пастлашиб кетаяпти. 1998 йил Ҳайдаркўл-Арнасой сув ҳавзасига ўтказилган балиқларнинг ўртача оғирлиги 25,3 граммни ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 14,1 граммга тушиб кетди. Айни пайтда ҳавзаларга ўтказилган ўтхўр балиқлар овлаш суръати ҳам 0,03 фоиздан 0,005 фоизга камайди.

Республикамизда балиқ етиштирилувчи сунъий ҳовузлар майдони 10357 гектар бўлса, улардан 8619 гектари товар балиқлар, 1738 гектари чавоқ балиқлар етиштиришга мўлжалланган. Ҳовузлар майдони маҳсулдорлиги 10,3 центнер/гектар бўлиб қолмоқда. Ёки яна бир эътиборли рақам: 1990 йилларда Республикамизда 25 минг тонна балиқ овланган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич аранг 9 минг тоннани ташкил этмоқда. Бу ҳол хўжаликларда моддий техника таъминоти яхши йўлга қўйилмаганлиги, уларда айланма маблағнинг йўқлиги, ишлаб чиқариш ва фан орасидаги боғланишнинг узилиб қолганлиги асорати, албатта.

Шу нуқтаи назардан Вазирлар Маҳкамаси балиқчилик хўжаликлари ва балиқ овловчи бригадаларни хусусийлаштириб, уларни давлат тасарруфидан чиқаргани айни муддао бўлди. Энди юқорида айтганимдек, табиий сув ҳавзалари балиқ овловчи хўжаликларга танлов асосида 10 йилга ижарага берилади. Улар зиммасига ҳар йили ҳовузларга балиқ чавоқларини ўтказиш ва балиқ заҳираларини кўпайтириш вазифаси юкланди. Хуллас, балиқчиликни ривожлантириш ва республикамиз аҳолисини балиқ маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун катта имкониятлар бор, гап — фақат улардан оқилона ва самарали фойдаланишда қолган.

**Суҳбатдош: Номоз САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# XORIJDA

## ОВОЗ БЕРМАСЛИККА ЧАҚИРИШДИ

Кипрнинг Греция ва Туркия томони етакчилари Тассос Пападопулос ва Рауф Денкташлар орол аҳолисини шу йил 24 апрелга БМТ томонидан режалаштирган референдумда овоз бермасликка чақиришди. «Мен сизларни Кофи Аннан режасини рад этишга чақираман. Ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун, тарихий ва маънавий қадриятларингизни сақлаб қолиш учун ҳам референдумда «йўқ» деб жавоб беришингизни сўрайман» деди Пападопулос. Мазкур референдум иккига бўлинган Кипрни бирлаштиришни назарда тутади.

Кипрнинг Греция томони етакчиси Тассос Пападопулоснинг фикрича, Кипрни бирлаштириш режасининг греклар учун хавфли томони шундаки, у армияни тарқатиб юборишни тақозо этади. Оролнинг Туркия томони раҳбари Рауф Денкташнинг фикрича эса БМТ режасининг амалга ошиши Туркиянинг Кипрдаги автономиясидан ажраб қолишига олиб келади.

Маълумки, таклиф этилган режага кўра, 1974 йилда иккига бўлинган Кипр федерал принципларга асосан, ўз озодлигини ва эркинлигини сақлаган ҳолда бирлашади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Греция ва Туркия Кипр ишларига ҳарбий жиҳатдан аралашиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундан ташқари ўтиш даври мобайнида Кипрнинг Греция томонидаги аҳоли оролнинг шимолий қисмига кўчишига рухсат берилади.

Агар оролнинг бирлашиши амалга ошмаса, 1 май куни Кипрнинг фақат Греция томонигина Европа Иттифоқига аъзо бўлиб киради, дейилади Россия телевидениесининг 1-канали ахборотида.

Эслатиб ўтамиз: март ойида Швейцариянинг Бюргеншток курортида Кипр масалалари бўйича музокаралар ўтказилган, лекин унда ҳеч бир натижага эришилмагани боис, БМТ Бош котиби Кофи Аннан Кипрни бирлаштириш бўйича икки томонда ҳам референдум ўтказиш режасини апрель бошларида эълон қилган.

## КУЗБАССДА МОТАМ КУНИ

Шанба куни Кузбассдаги «Тайжина» шахтасида кучли портлаш юз берганлиги боис 46 киши қурбон бўлди. Шундан 33 нафарининг шахси аниқланди. Қолганлари аниқланмоқда. 5 киши дом-дараксиз йўқолган. 6 киши қутқарилган.

Тергов-суриштирув гуруҳининг хулосаларига кўра, 500 метр чуқурликда метан гази йиғилиб қолганлиги боис портлаш юз берган.

«Интерфакс» агентлигининг хабар беришича, бугун Кузбассда мотам куни деб эълон қилинди.

Кемерево вилоят маъмурияти қарорига кўра, ҳалок бўлган кончиларнинг оиласига вилоят бюджетидан 30 минг, маҳаллий бюджетдан 20 минг рублдан ёрдам пули ажратиладиган бўлди.

## 10 МИНГ КИШИ ҚАТНАШДИ

Сянганда юзага келган вазият устидан назоратни кучайтириш ҳақида Хитой ҳукумати аввалги ҳафтада қарор қабул қилган эди. Якшанба куни Сянганда кучайтирилган тартибга қарши намойиш бўлиб ўтди. Унда 10 минг киши иштирок этди, дея хабар беради Kyodo агентлиги.

## 22 ТАГА ЕТДИ

Канада озиқ-овқат инспекцияси агентлиги мамлакатдаги паррандачилик фермаларидан яна иккитасида «парранда гриппи» тарқалганлигини маълум қилди. Шундай қилиб, «Canadian Press»да ёзишларича, касаллик шу кунларда жами 22 та фермада қайд этилган.

## «МАРСОХОД» ЎЗ ВАЗИФАСИНИ ЯКУНЛАДИ



NASA агентлиги томонидан Марс сайёрасига учирилган Spirit «марсоход»и ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариб бўлди. Бироқ унинг сайёра бўйлаб «саёҳати» сентябргача давом этиши мумкин.

Spirit Марс сайёрасида 90 кун фаолият кўрсатди. Шу давр мобайнида у 600 метр атрофидаги масофани босиб ўтиб, сайёра юзасини тадқиқ этди. Қачонлардир ушбу қизил сайёрада сув бўлганлиги, демак, ҳаёт ҳам «қайнаган»лиги ҳақида янги маълумотларга эга бўлинди.

Бундан ташқари Spirit ва Opportunity Марсни бутун борлиғи бўйича суратга олиб, Ерга жўнатди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Opportunity белгиланган муддатдан 20 кун кўп ишлаши кутилмоқда.

Агар ушбу «марсоход»лар сентябргача фаолият кўрсата олса, NASA Марсни тадқиқ этиш лойиҳасини молиялаш бўйича яна қўшимча воситалар қидириб топишни мўлжаллаб турибди.

Дарвоқе, Spirit ва Opportunity «марсоход»ларини қизил сайёрага учириш ва уни тадқиқ этиш ишларига 820 миллион доллар сарфланди.

## ҚОНУНГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИЛДИ



«Новости» агентлигининг хабар беришича, Россия давлат думаси томонидан «Ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартиришга биноан эндиликда армияга чақирилувчилар орасида кимнинг хотини ҳомиладор бўлса, уни армияга чақириш маълум муддатга қолдирилади. Ушбу ўзгартириш шу йил 1 июлдан кучга киради.

Думанинг мудофаа бўйича қўмитаси аъзоси Николай Бездоровнинг айтишича, ҳозирги қонунчиликка кўра, ҳарбий хизматни ўтаётганлар орасида кимнингки турмуш ўртоғи кўзи ёриса, у ўша заҳоти армия хизматидан бўшатилади. Бундай вазият айрим ҳолларда хизматни бошлаганига уч ой бўлиб-бўлмасданоқ юз бермоқда. Шу важдан амалдаги қонунга ўзгартириш киритилди.

Дарвоқе, шу пайтгача чақирув ёшидаги йигитнинг ёш фарзанди бор бўлса у уч ёшга тўлгунча ҳарбий хизматдан озод этиларди. Энди ҳомиладор аёли борлар ҳам улар сафига қўшилади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда

# ОЛИЙ ТЕХНИК ТАЪЛИМ — ИЛМИЙ САЛОҲИЯТНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Бозор иқтисодиёти олий таълим, жумладан, техника таълими олдига янги талабларни қўймоқда. Чунки, мамлакатни замонавий цивилизациянинг илғор марраларига етказишга юқори сифатли техник кадрлар тайёрлаш тизимини ўзгартирмай туриб эришиб бўлмайди. Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаш ва юксак турмуш даражасига етишишда такомиллашган саноат ишлаб чиқаришининг ўрни муҳим аҳамиятга эгадир.

Наманган-муҳандислик-иқтисодиёт институти — таъбир жоиз бўлса, истиқлол фарзанди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил 27 февралдаги **«Республиканинг янги олий ўқув юртларини ташкил қилиш тўғрисида»**ги Фармонига асосан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Наманган шахобчаси негизида ташкил этилди. Институтимиз профессор-ўқитувчилари олдига вилоят ривожланишида ва умуман бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок эта оладиган юқори малакали муҳандис ва иқтисодчи кадрлар тайёрлаш вазифаси қўйилган.

Институт ўқув бинолари, аудиториялар, лабораториялар, ўқув хоналари капитал таъмирдан чиқарилиб, замонавий асбоб-ускуналар ва техник воситалар билан таъминланди. Талабаларнинг ўз устида мунтазам ишлашлари ва фанларни доимий равишда ўзлаштириб боришларига шароитлар яратилган. Ўқув юртида иқтидорли талабалар билан ишлашга алоҳида эътибор берилаётир. Профессор-ўқитувчилар томонидан замон талабларига мос равишда маърузалар, электрон дарсликлар тайёрланиши, масофадан ўқитишга ҳаракат қилиниши, талабалардан ёзма иш олиш ва интернетдан фойдаланишни йўлга қўйилиши етук, билимли кадрлар тайёрлашга хизмат қилмоқда. Истеъдодли талаба ёшлар билан якка тартибда ишлаш учун кафедралар томонидан зарур тадбирлар амалга оширилмоқда. Аълочи-жамоатчи талабалар учун академик М.Ҳожинова ва мумтоз шоир Машраб номидаги стипендиялар таъсис этилди.

Ўқув юртимизда кадрлар тайёрлаш масаласини янада яхшилаш учун «Устоз ва шогирд» семинарларини ташкил этганмиз. Ушбу семинарларда ёш педагоглар тажрибали профессор-ўқитувчилардан маърузалар тинглайдилар, амалий машғулотларда иштирок этадилар. Ривожланган мамлакатлар таълим муассасалари ва илмий марказларида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тажрибасидан ва уларнинг замонавий ишлаб чиқариш биржаларидаги стажировкасидан кенг фойдаланяпмиз. Бундан ташқари, институтимизга юқори малакали мутахассисларни жалб этишга алоҳида эътибор бераяпмиз. Бугунги кунда ёш кадрларни пойтахтимизга ва хорижий мамлакатларга ўқитишга юбориш кенг йўлга қўйилган.

Кўпинча бизга савол беришади: хўш, талаба институтни битирди, кейин у қаерга боради? Аниқ иш жойи борми? Бир вақтлар Олий ўқув юртини битирганларга махсус комиссия томонидан йўлланма бериларди. Дипломат ўзи юборилган жойда, корхонада ёки хўжаликда икки йил ишлаб бериши шарт эди. Хуллас, иш жойи тайин эди. Ҳозир-чи?

Дарвоқе, мабодо битирувчи иш билан таъминланмас экан, унда олий ўқув юртининг келажаги йўқ. Шу боис, фан ва ишлаб чиқаришни ўз ичига олган интеграция тизимлари катта моҳиятга эга. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, эркин ва мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, иқтисодиётга оид қўшимча адабиёт ва манбалардан фойдаланишни ўрганиш диққат марказимизда турибди. Масалан, тўқимачилик машиналари кафедраси «Наманган текстиль» ҳиссадорлик жамияти қошида шахобчасини ташкил этди. Ҳозир у ерда тажрибали мутахассислардан тўртта киши махсус фанлардан амалий машғулотларни ишлаб чиқариш шароитида ўтказмоқда. Бу ерда тажриба орттирганлар кейинчалик иш билан таъминланиши турган гап.

Бизда олий ўқув юртини муваффақиятли тугаллаб, мустақил ҳаётга йўлланма олган ёш мутахассис кадрларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу йил ҳам (шу йил апрель ойида) битирувчи малакали касб эгаларининг аукциони ўтказилади. Бунда институтимизнинг барча йўналишларида таълим олган битирувчи йигит-қизлар иштирок этишади. Тадбирда ташкилот, муассаса ва корхоналардан, хусусий тадбиркор ва фермерлардан иборат буюртмачилар ҳам қатнашадилар. Унда уч томонлама: корхона-талаба-институт шартномаси тузилади ва кадрлар тайёрланади. Фаолиятимизнинг бундай ташкил этилиши ёш мутахассисларимизнинг иш билан таъминланишида муҳим аҳамият касб этаяпти.

Яқинда матбуотда **«Ўзбекистонда 2010 йилгача бўлган даврда олий техник таълимни такомиллаштириш концепцияси»** лойиҳаси эълон қилинди. Концепциянинг қабул қилиниши республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятидан тобора мустаҳкам ўрин олаётганлигини кўрсатади. Айни пайтда бозор муносабатлари шаклланаётган даврда кадрлар малакасига қўйилаётган янги талаблар юзага келаётган шароитда унинг ишлаб чиқилган ҳужжат эканлигини кўрсатмоқда.

Олий техника таълими тизимини такомиллаштириш — давлат, жамият ва шахс манфаатларини қондириш, бозор иқтисодиётида рақобатбардошликни кучайтириш, ҳар бир инсонга таълим олишнинг шакли, муддати, мазмуни ва даражасини кенг танлаш имконини беради. Ўзбекистонда олий техника таълимини ривожлантиришдан мақсад — уни XXI аср муҳандислиги ва ишлаб чиқариш талаблари доирасида барқарор ҳамда самарали фаолият кўрсатиши учун ривожланиш механизмлари ва шарт-шароитларини яратишдир.

Олий техник таълими такомиллаштириш концепцияси лойиҳаси юзасидан институтимиз профессор-ўқитувчилари ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдиришаяпти. Яқинда лойиҳа муҳокамасига бағишланган катта йиғилиш ўтказдик. Унда олимларимиз, вилоятимиз йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг тажрибали мутахассислари, талаба-ёшлар фаол иштирок этишди. Унинг ҳар бир боби, моддаси чуқур, атрофлича ўрганиб чиқилди, муносабатлар билдирилди. Таъкидлаш жоиз, ўрганиш жараёнида юзага келган ғоялар, тузатиш ва тўлдиришга оид таклифларга нисбатан оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчилик фикри шаклланаяпти.

Бир сўз билан айтганда, институтимиз жамоаси ҳаёт билан ҳамнафас, **«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»** асосида жаҳон андозаларига мос равишда фаолият кўрсатиш, етук ва юқори малакали кадрлар тайёрлашда мавжуд имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш устида изланмоқда.

**Ҳамидхон АҲМАДХЎЖАЕВ, Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори, техника фанлари доктори, профессор.**



Суратда: институт профессор-ўқитувчи ва талабаларидан бир гуруҳи

Ҳикматли сўзлар маъноси

## ОДАМ — ОЛТИНДАН АЗИЗ

Халқимиз ўзининг бир талай мақолларида дунёда одамдан ҳам азизроқ нарса йўқлигини, одамни эъзозлаш, қадр-қимматига етиш, одамларга ҳамкор, ҳамдард, ҳамнафас, ҳамроҳ, мададкор, вафодор, садоқатли бўлиш зарурлигини турли тамсиллар воситаси ила қайта-қайта уқтиради: «Одам боласи — элнинг лоласи»; «Одам одамга керак»; «Одам одамга кунда керак бўлмайди, кунида керак бўлади»; «Одам одамга муҳтож» (Бу кейинги мақоллар билан: «Одамлар бир-бирларига яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам керак бўладилар, ҳар қайсилари алоҳида-алоҳида, ўз ҳолларича чинакам ҳаёт кечира олмайдилар, бир-бирларининг ҳар томонлама берадиган ёрдамларига, маслаҳатларига, тез-тез дийдор кўришиб, дилкаш, кўмакдош бўлиб туришларига муҳтождирлар», демоқчи бўладилар);

«Одам одам билан тирик»; «Балиқнинг тириклиги сув билан, одамнинг тириклиги одам билан»; «Балиқнинг куни кўл билан, йигитнинг куни эл билан»; «Балиқ сувсиз яшай олмас, одам — одамсиз»; «Одам одам билан, писта бодом билан»; «Дарахт дарахтдан баҳра олади, одам одамдан»; «Одам — одамнинг ойнаси»; «Одам — одамга ойнак»; «Дил — дилнинг ойнаси»; «Одам — одам бўриси эмас, одам дўсти»; «Одам одам соясида одам бўлур» (Бу «одам бўлур» деганда «чин инсон бўлиб етишади» деган фикр назарда тутилган); «Одамнинг қимматини одам билади»; «Одам — одамга қувват»; «Одамнинг ҳовурини одам кўтаради»; «Одамнинг тафтини одам кўтаради».

Меҳр ва мурувват — инсон зийнати

# ЯХШИЛИК ИЗЛАГАН ЯХШИЛИК ТОПАДИ

Қалби пок инсонлар дилида яхшилик яшайди. Меҳр-мурувват, оқибат, саховат ва шафқат кўнгилларга тафт бериб, эзгуликка чорлайди

Мақсаду умидлари улуғ, саховатпеша юртдошларимиз кўп. Андижон давлат тиббиёт институтининг ички касалликлар кафедраси мудири, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Нью-Йорк академияси аъзоси Сайфитдин Турсунов ана шундай инсонлардан бири. Таниқли шифокорнинг беморлар дардига дармону малҳам бўлиб, касалликлар олдини олишга жонкуярлиги ва ўз ташаббуси билан «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси ташкил этганлиги унинг фидойилигидан далолат.

**— Сайфитдин Юнусович, жамғарманинг фаолияти ҳақида қисқача тўхталсангиз.**

— Боқувчисини йўқотган, кекса, ногирон кишилар ҳолидан хабар олиш, зарур кезда уларга тиббий ёрдам кўрсатиш, етим-есирлар бошини силаш, бева-бечоралар ва фақир-мискинларга саховат қилиш — ҳар бир кишининг ҳаётий аъмоли.

Зеро, одамзодга меҳр-мурувват доимо керак. Бир оғиз ширин сўздан — кўнгил, инсон — меҳри, саховатидан — олам яйрайди, яшнайди, қаҳридан (худо кўрсатмасин!) дил қақшайди.

Муҳтарам Юртбошимиз ҳам халқимиз кўнглидаги ана шундай мақсад-муддаони ҳис этиб, бу йилни Меҳр ва мурувват йили деб аталишига тилакдош бўлдилар. Зеро, бу сўзлар замирида олам-олам маъно мужассам.

**— Меҳр ва мурувват йилида жамғарма томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида кўпчиликдан яхши гаплар эшитаяпмиз.**

— Жамғарма қошида геронтологик марказ ташкил этиб, бир гуруҳ шифокор-олимлар билан илмий дастур асосида вилоятимизда яшаётган 518 нафар тўқсон ва ундан юқори ёшдаги, 370 нафар юз ва ундан ошган нуронийларнинг турар-жой манзилларини аниқладик. Уйма-уй юриб, саломатликларини назоратдан ўтказдик. Уларнинг диллари қатидаги ҳавасу дардларини эшитдик. Баҳоли қудрат кўмак бердик. Бу йилги режаларимиз кўлами ҳам катта. Андижон шаҳридаги Афғон боғи ҳудудида насиб этса «Меҳр» хиёбони барпо қиламиз. Избосқан туманининг Лўғумбек қишлоғида жамғармамиз маблағи ҳисобидан Наврўз байрами арафасида мўъжаз шифохона фойдаланишга топширилди. «Мурувват» шифохонаси меҳр тафти ҳам бу йил ҳар қачонгидек юқори бўлиши, табиий.

Шу ўринда бир таклифим бор: ҳокимликлар, тадбиркорлар жамғармамизга кўчма амбуланс автомобиллар ажратилишига ёрдам берсалар, ғоят олижаноб иш бўларди. Бу — энг аввало кексаларга тиббий хизмат кўрсатишдек савобли ишлар кўламини кенгайтиришга имкон берарди. Шунингдек, ҳар бир маҳалла ҳамда жамоада «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси бўлимлари ташкил қилиш ҳаракатидамиз...

Бу дунёда ҳаёт мазмунини ҳар ким ҳар хил тушунади албатта. Кўнгли кенгга кенг дунё кўнгли торга тор дунё. Яхшилик излаган яхшилик топади.

**Суҳбатдош: Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Футбол

# ТАЪҚИБЧИЛАР ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Ўзбекистон XIII миллий чемпионати олий лига жамоалари бешинчи тур учрашувларини якунлашди.

Мавсумнинг дастлабки тўрт учрашувида ғалаба нашидасини сурган Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси бу гал ўз майдонида олий лига дебютанти «Локомотив» футболчилари билан дуранг ўйнади — 0:0. Бу натижа эса «Пахтакор»ни якка пешқадамга айлантирди.

Чемпионатни йирик ҳисобдаги мағлубиятлар (0:5, «Пахтакор», 2:6, «Сурхон») билан бошлаган «Трактор» жамоаси қаторасига учинчи ғалабасига эришди. Тракторсозлар ўз майдонида «Металлург» (Бекобод) жамоасини енгди — 1:0.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Насаф» — «Сурхон» — 4:0 (Тошпўлатов 4, Мавлонов 45, Келдиев 55, Бердиев 60), «Қизилқум» — «Андижон» — 4:1 (Қурбонбоев 40-пен., 88-пен., Қиличев 50, Дуб 81 — Ҳамидуллаев 49), «Бухоро» — «Машъал» — 2:2 (Саломов 59, Иноғомов 73 — Боев 32, Борисенко 53).

6-тур ўйинлари 16-17 апрель кунлари бўлиб ўтади.

БЕШИНЧИ ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Пахтакор» | 5 | 5 | 0 | 0 | 18-1 | 15 |
| 2. «Навбаҳор» | 5 | 4 | 1 | 0 | 13-0 | 13 |
| 3. «Нефтчи» | 5 | 4 | 0 | 1 | 11-3 | 12 |
| 4. «Насаф» | 5 | 4 | 0 | 1 | 15-4 | 12 |
| 5. «Трактор» | 5 | 3 | 0 | 2 | 7-12 | 9 |
| 6. «Локомотив» | 5 | 2 | 2 | 1 | 7-3 | 8 |
| 7. «Қизилқум» | 5 | 2 | 1 | 2 | 7-10 | 7 |
| 8. «Металлург» | 5 | 2 | 0 | 3 | 4-11 | 6 |
| 9. «Машъал» | 5 | 1 | 1 | 3 | 6-6 | 4 |
| 10. «Сўғдиёна» | 5 | 1 | 1 | 3 | 2-6 | 4 |
| 11. «Бухоро» | 5 | 1 | 1 | 3 | 3-12 | 4 |
| 12. «Сурхон» | 5 | 1 | 0 | 4 | 7-15 | 3 |
| 13. «Самарқанд-Д» | 5 | 1 | 0 | 4 | 3-12 | 3 |
| 14. «Андижон» | 5 | 0 | 1 | 4 | 3-11 | 1 |

Интер-спорт

## КЛИЧКОНИНГ КУТИЛМАГАН МАҒЛУБИЯТИ



Украиналик ўта оғир вазнли боксчи Владимир Кличко америкалик Леймон Брюстер билан жангда ташаббусни ўз қўлида ушлаб турган эди. Афсуски, 5-раундда ҳимояда хатога йўл қўйиб, рақибининг кучли зарбаларини кетма-кет ўтказиб юборди. WBO йўналиши бўйича жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган бу учрашувдан кейин Владимир касалхонага тушган. Шифокорлар унинг қонида қанд кўпайиб кетганини аниқлашган. Саломатликка ёмон таъсир қилувчи қанд моддасининг тўрт марта кўпайиши боксчини қийин аҳволда қолдирган. «Ҳозирча бирор хулосага келиш қийин, — дейди Кличконинг укаси Виталий. — Ҳаммасини қондан олинган такрорий анализ натижаси ойдинлаштиради».

Мухбирлар эса экспертлар билан мулоҳазадан кейин боксчининг қонида бундай нохушликнинг юз бериши сабаблари билан қизиқмоқдалар. Ҳатто Владимир қанд касалига чалингандир, деган фикрлар ҳам бор. Лекин мунтазам машқлар ўтказиб, шифокорлар кўригида бўлиб юрган спортчининг бундай аҳволга тушиши кутилмаган ҳол. Владимир эса иккинчи раунддан кейин нимагадир ожизланиб қолганини яширмаяпти. «Очиғини айтсам, жангга пухта ҳозирлик кўрган эдим. Иккинчи раунддан бошлаб ғалати аҳволга тушдим. Ҳар қалай қон анализидан умидим бор», дейди боксчи.

## ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ АФРИКАДА

ФИФА президенти Йозеф Блаттер 2010 йили жаҳон футбол чемпионатини ўтказиш учун Ливияда ҳеч қандай имконият йўқлигини баён қилди. У бу ҳақда Ливия раҳбари Муаммар Каддафига ҳам ахборот берди.

Маълумки, Ливия жаҳон чемпионати мамлакатда ўтказилишига Тунис билан бирга даъвогарлик қилаётган эди. Бунинг учун оз эмас, кўп эмас 9-12 миллиард долларгача маблағ сарфламоқчи экани ҳам маълум. Ҳозирча футбол байрамини ўтказиш учун Марокаш билан Жанубий Африкада имкониятлар етарли деб ҳисобланмоқда. 15 майда ўтказиладиган ФИФАнинг навбатдаги конгрессида бунга аниқлик киритилади. «Холисона айтганда даъвогарларнинг имкониятларини аниқ баҳолашнинг ўзи бўлмайди. Лекин Марокашнинг имкониятлари етарли эканини эътироф этиш керак, — дейди ФИФА президенти. — Ҳар қалай 2010 йилги жаҳон чемпионати Африкада бўлиб ўтади.»

## ТАЙСОН МЕЗИНИ ТАНЛАДИ

Машҳур боксчи Майк Тайсон Владимир Кличко билан Леймон Брюстер учрашуви олдидан ўтказилган матбуот йиғилишида иштирок этиб, шу йилнинг охиригача камида учта жанг ўтказмоқчи эканини маълум қилди. Тайсоннинг менеджери Шелли Финкелнинг фикрига қараганда, дастлабки икки жанг ўзига хос машқ тариқасида ўтказилса, учинчиси жиддий бўлиб, Тайсон ҳозирча Жо Мези билан учрашмоқчи эканини яширмаётган экан. НВО телеканали вице-президенти Кери Дэвис эса Тайсон учинчи учрашувни Эвандер Холифилд билан ўтказиши ҳам мумкин деган мулоҳазани ўртага ташлади.

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

«КИМОШДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ» ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

**2004 йил 13,20,27 май кунлари соат 11.00 да республика Биржа маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига «Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги» ва «TOSHSHAHARYO'LOYCHITRANS» давлат уюшмасига қарашли автотранспорт воситалари қўйилади:**

1. «ГАЗ-24» русумли, давлат рақами 81 70 ТНА, 1980 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 1 030 000 сўм.**
2. «ГАЗ-31029» русумли, давлат рақами 10 AG 525, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 2 000 000 сўм.**
3. «РАФ-2203-01» русумли, давлат рақами 39 40 ТНП, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 1 300 000 сўм.**
4. «ТИКО» русумли, давлат рақами 39 91 ТНД, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 1 175 000 сўм.**
5. «ТИКО» русумли, давлат рақами 10 AF 416, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 1 160 000 сўм.**
6. «ДЭУ Супер салон» русумли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 10 321 200 сўм.**
7. «Мерседес-Бенс 190» русумли, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 5 532 000 сўм.**

Шунингдек такроран 2004 йил 15,22,29 апрель кунлари соат 11.00 да, Давлат мулки қўмитаси балансидаги «Опел-Омега» русумли, давлат рақами 10 UZ 574, 2000 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 15 478 400 сўм.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**
**Имкониятингизни бой берманг!**

Савдоларда қатнашиш учун харидорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржаси ва «Кимошди савдолари агентлиги»га мурожаат қилишлари мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржа маркази биноси, 3-қават, 44-,8-хоналар.**
**Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75**
**Факс: 136-06-17. www.rkmb.expo.uz**

«Мулоқот» журнали жамоаси ва таҳрир ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, атоқли шоир **Йўлдош СУЛАЙМОН**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Кўмир қазиб олиш ва сотиш акциядорлик бирлашмаси «Кўмир» АБ раҳбарияти ва жамоаси акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раисининг ўринбосари Анорбой Миродилович Миродиловга онаси **Хадича она МУСАЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 564
10669 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA